
ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида”ги қарорини таъминланмоқда. Олтириқ туманида ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлашлари учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун чора-тадбирлар белгиланган. “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан шу кунга қадар туманда 61 нафар фуқароларга 305 млн. сўмлик асбоб ускуна ва меҳнат қуроллари топширилди.

Бугун яна 18 нафар эҳтиёжманд фуқароларга туман ҳокими Ш. Турдалиев ва марказ раҳбари А. Усуббоевлар иштирокида жамғарма ҳисобидан тикув машиналаритарқатилди.

Йил якунига қадар 350 нафар фуқароларга субсидия маблағлари ажратилиши белгиланган.

2022-11-02 11:48:03